

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР (1991-2017йй)

Феруза Эркиновна Атажанова

Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали "Ижтимоий-фанлар" кафедраси
катта ўқитувчиси, тарих фанлари доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида Хоразмда мактабгача таълим муассасаларига бўлган эътибор ва бу соҳада қилинган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни тубдан такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги 5198-сонли Фармони асосида ташкил қилинган махсус вазирликнинг олдида кўйган мақсад ва вазифалари тўғрисида гап боради.

Калит сўзлар: Мактабгача таълим, мактаб, ўқувчи, боғча-ясли, тарбия, педагог, таълим тизими, таълим-тарбия.моддий-техник база, магистратура, таълим сифати.

ABSTRACT

The article provides information about the attention paid to preschool education in Khorezm during the years of independence and the work done in this area. He also spoke about the goals and objectives of the special ministry, established on the basis of the Decree of the President of Uzbekistan dated September 30, 2017 No 5198 "On measures to radically improve the management of preschool education."

Keywords: Preschool education, school, student, kindergarten, upbringing, pedagogue, education system, education, material and technical base, master's degree, quality of education.

КИРИШ

Жаҳонда таълим тараққиёти бошқа товар ва хизматларга нисбатан анча жадаллаб, кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий марказларида таълим тизими ва унинг кадрлар тайёрлашдаги ўрни ҳамда ролига оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда таълимнинг анъанавий кечки ва сиртқи, замонавий ва барча



учун баробар бўлган инклюзив, On-line, масофали ўқитиш, очик ва мослашувчан билим бериш шаклларида кенг фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёш авлод тарбияси, таълим тизимини, илм-фан соҳаларини янада тараққий қилдириш ва салоҳиятли кадрлар етиштириб чиқариш давлат сиёсатининг ўта муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий қиёсий-мантикий таҳлил, кетама-кетлик, холислик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган. Мустақиллик йилларида хоразмда халқ маорифи тизимининг қайта қурилиши масалаларининг ўрганилишида икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: Биринчи гуруҳ тадқиқотларида асосан истиқлолнинг илк босқичлари қамраб олинган. 1991 йилдан то 2017 йилгача бўлган бу даврлар Хоразмда таълим соҳасининг аҳволи ва ривожланиш истиқболларини услубий таъминлаш ва ўрганишида “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов асарлари муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга мазкур йиллар давомида мавзуга оид қабул қилинган қарор, фармон ва фармойишлар ҳам бу соҳа тараққиёти босқичлари ва йўналишларининг назарий асосларини белгилаб берувчи дастурамал бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда, шу жумладан, Хоразмда илм-фан ва таълим тизимининг ривожланишидаги мутлақо янги босқич, 2016 йилдан то ҳозиргача бўлган даврдаги тараққиётининг эса Республика Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор, фармон ва фармойишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда таълим соҳаси жамиятимизнинг энг долзарб ва нозик жабҳаларидан бири ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган бир қатор ислохотлар, шу хусусдан ёшлар тарбияси ва уларнинг фаолиятига оид давлат сиёсати куннинг муҳим, кечиктириб бўлмас вазифаси сифатида аҳамият касб этмоқда. Демак, бу масала ўз-ўзидан юртимиздаги таълим тизими билан боғлиқ бир қатор муаммоларга жиддий эътибор берилишини тақоза этади.



Узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини — бу мактабгача таълим тизими ҳисобланади. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида мактабгача таълим муассасасида олган таълим ва тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Шўролар даврида мактабгача тарбия муассасалари болалар боғча-ясиларидан иборат эди. Уларда 3 ёшдан 6 ёшгача гўдаклар қамраб олиниб, коммунистик мафкура руҳида тарбияланар эди. Мазкур муассасалар ишлаб чиқаришда банд ота-оналар учун муҳим таянч сифатида яхши ёрдам берарди. Шаҳарлардан ташқари болалар боғча-ясилари қишлоқ жойларида кўп очилган ва улар мактабгача тарбия ишларини амалга оширарди. Аммо ҳамма ёш болалар ҳам боғча-ясилар тарбиясини ололмасдилар, асосан ўз уйида катта бўларди. Иттифоқ инқирози шароитида боғча-ясиларнинг сони кескин қисқарди ва улар фаолиятини таъминлаб туриш учун керак маблағлар йиллар мобайнида камайиб борди. Айниқса колхоз ва совхозлар ҳисобидан фаолият кўрсатаётган болалар муассасалари сони камайиб кетди. Мустақиллик арафасида, 1990 йилда Хоразмда, 456 та болалар боғчалари мавжуд бўлиб, уларда 51, 5 минг фарзандлар тарбияланган бўлса, 1991-992 йилларда бу соҳада сўнгги бор ўсиш кузатилади. 1991 йилда 476 мактабгача таълим муассаси фаолият юритиб, уларда 54860 бола тарбияланган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 458 та мактабгача таълим муассасаси (МТМ) ва 54131 тарбияланувчини ташкил қилди [1,194].

Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда бўлгани каби мактабгача тарбия муассасалари ишларини ҳам бирданига тартибга солиш имкони бўлмади. Бу йўналишдаги ижобий жараёнлар 90-йиллар охирларида бошланди. “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида бошланғич таълимни ислоҳ қилиш ҳам бошланди. Эндиликда фақат илгаридай оддий боғча-ясилар эмас, балки кичкинтойларни тарбиялашга ихтисослаштирилган уйлари ташкил этилди. Улар қаторида соғломлаштирувчи, тил, бадиий тарбия ва спорт, жисмоний ва руҳий нуқсонли бор болалар, хусусий уй боғчаси каби янги давлат, нодавлат ва идораларнинг тарбия муассасалари пайдо бўлди. Уларни ташкил қилиш ва моддий таъминлаш тажрибаси тўпланиб борди.

2005 йилда вилоятдаги 366 боғча-ясиларда 30355 ёш болалар тарбияланди. Уларга 31533 олий ва ўрта малакали

мураббийлар устозлик қилди. 2006-2007 ва 2011-2012 ўқув йиллари статистик маълумотларини таққослаганда, боғчалар сони 358 дан 263 га, тарбияланувчилар сони 25668 дан 20614 га, тарбиячилар сони 3104 дан 637 га камайганини кўриш мумкин [2].

Фактлар боғчалар сонининг кескин қисқаргани ва ишчи ўринлари камайгани сабабли аёлларнинг ўз уйида ўтириб қолиши, ўз болаларини ўзи тарбиялашидек ижтимоий муҳит пайдо бўлганини кўрсатади. Мазкур шароитда хусусий ва уй болалар боғчаларининг пайдо бўлишига туртки берди. Уларнинг айримлари давлат тасарруфидан чиқарилган ва кимошди биржа савдолари асосида ўз эгаларини топган янги боғчалар ўрнида очилди. Барча қулайликларни ҳисобга олиб, мазкур тарбия муассасаларидаги тўловлар давлат муассасаларидан биров юқорироқ эди. Маориф ва соғлиқни сақлаш бошқаруви ходимлари хусусий боғчаларни ҳам услубий таъминлаш ва болаларни соғлом муҳитда ўсишини назорат остида тутиб турардилар.

Агар статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, Урганч шаҳридаги боғча-ясилар сони деярлик ўзгармасдан қолган бир вақтда, туман марказлари ва йирик қишлоқларда 1-2 та кичик болалар муассасалари ишлаб, турган холос. Уларнинг ҳам аксарияти ота-оналар томонидан тўланадиган маблағлар ҳисобидан ўз фаолиятини ташкил этган. Бундай ҳолат бутун Ўзбекистонга хос эди ва тизимни ислоҳ қилиш зарурлигидан дарак берарди. Бунинг амалий исботи сифатида 2016 йилга келиб мактабгача таълим муассасалар сонининг 249 гача камайиб кетишида кўришимиз мумкин эди .[3]

2014 -“Соғлом бола йили” давлат дастурига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги томонидан илк мартаба ота-оналар учун болаларни мактабга тайёрлаш бўйича 5 та китоб: “Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш”, “Математик тасаввурларни шакллантириш”, “Шеърый асарлар тўплами”, “Насрий асарлар тўплами”, “Соғ танда – соғлом ақл” номли қўлланмалар яратилди. Мазкур қўлланмалар фарзанди мактабгача таълим тизимида камраб олинмаган ота-оналар учун мўлжалланган бўлиб, улар ёрдамида боланинг дунёқараши, мантиқий фикрлаши ва нутқи ривожлантирилади, уни шахсий гигиена қоидалари билан таништирарди. Қўлланмалар “Болажон” таянч дастури асосида рангли-безакли шаклда тайёрланган ва Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази қошидаги илмий кенгаш томонидан тасдиқланганди.

Хоразм вилоят халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг мактабгача таълим услубчилари, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилот ва идоралар вакиллари билан биргаликда мактабгача таълимга қамраб олинмаган 5-7 ёшли фарзандли оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларга мактаб кутубхоналари орқали қўлланмалар бепул тарқатилди. Ота-оналар қўлланмадан йил давомида фойдаланган ҳолда ўз фарзандини мактаб таълимига сифатли тайёрлашга киришдилар.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ёши ва дунёқаршига мос равишда чет тиллар ўйин тарзида ўргатилди. Боғча ёшидаги болажонлар чет тилида бемалол санашни, ўзини таништириш, ҳафта кунлари ва йил фасллари каби бошланғич билимга эга бўлишди.

Шу билан бирга таълим тизимида ислохотларда муаммо ва камчиликларга йўл қўйилди. “Биринчи вазифа — мактабгача таълим соҳасида, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, — Очиқ тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик”, деб таъкидлади. [4,45]

Дарҳақиқат бу соҳадаги энг катта ва долзарб муаммолардан бири, мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинишида бўлди. Агар мустақилликка эришмасдан олдинги вақтга назар ташласак, хусусан республикада 80-йилларнинг ўрталарида болаларнинг 39 фоизи мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилган. Шу кўрсаткич юзасидан Ўзбекистон Республикаси умумиттифоқ даражасидан (57 фоиз) анча орқада қолган эди. [5]

Мустақиллик йилларида, яъни, 1991 йилда республика бўйича 1-6 ёшгача бўлган болаларни МТМларга қамраб олиш 35, 1 фоиздан 2016 йилга келиб 17, 3 фоизга тушиб қолди. Хоразм вилоятида 1991 йилда 40, 8 фоиздан, 2016 йилга келиб 13, 9 фоизга қисқариб кетди. Фақат 2017 йилга келиб бу кўрсаткич бироз кўпайиб, 22, 5 фоизни ташкил қилди. [6,60]

1991 йилда вилоятда 456 та МТМ фаолият юритган бўлса, 2016 йилга келиб уларнинг сони 251 тага тушиб қолди. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 253 тани ташкил қилди. [7]

Бундай бўлишига МТМлари моддий-техник базаси мустаҳкамланмаганлиги, соҳада ишловчи педагог-тарбиячилар билим савиясининг пастлиги ва бошқа кўплаб муаммолар сабаб бўлди.

2016 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2707-сонли қарор қабул қилди. Қарор асосида ёш болаларни мактабгача таълим муассасаларида тарбиялашнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди. Улар Президентнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3261-сонли қарори билан янада аниқлаштирилди.

Натижада, юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразм вилоятида 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси 2016 йилда 13, 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 22, 5 фоизга кўпайди.

Мактабгача таълим тизимида 2017 йилда 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди. [7]

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни тубдан такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги 5198-сонли Фармони асосида ташкил қилинган махсус вазирлик зиммасига ягона давлат таълим сиёсатини амалга ошириш, хориж тажрибаси асосида фарзандларимизнинг ақл-фаросати, ахлоқи, диди ва жисмоний ривожланишини таъминлаш, кичик ёшдаги болаларни давлат ва рақобатли боғча ва яслилар билан қамраб олиш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий шакл, усул ва технологияларни киритиш, муассасаларни ўйинчоқлар, китоб ва қўлланмалар билан таъминлаш, малакали тарбиячи ва педагогларни тайёрлаш, ходимларни рағбатлантириш имкониятларини кенгайтириш, биноларни доимий таъмирлаш ва иссиқлик билан таъминлаш, болаларни сифатли овқатлантириш, зарур пайтда тиббий ёрдамни кўрсатиш каби муҳим масалаларни ҳал қилиши лозим эди. Мазкур тарбиянинг асосида болаларни мактабга тайёрлаш, уларнинг хат-саводини чиқариш, қобилиятларини ошириш каби муҳим тадбирлар турарди.

Мутахассислар қисқа муддатда тизимнинг аҳволи ва фаолиятини яхшилашнинг имкониятларини таҳлил қилиб чиқдилар ҳамда Япония, Жанубий Корея каби илғор мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари бошланди. Мазкур ишлар Хоразм вилоятида ҳам амалга оширилди. Барча мактабгача таълим муассасалар фаолияти қайта текширувдан ўтказилди, уларда тарбияланаётган болалар ва ишлаётган тарбиячилар таркиби таҳлил қилинди. Натижада мактабларнинг 6 ёшдан бошлаб



“0” синфларига қабул қилинган қобилиятли болаларнинг сони сезиларли даражада кўпайди.

Натижада 2017 йил давомида шаҳар ва туманларда мавжуд давлат ва хусусий боғчалардан 14 таси капитал ва 52 таси жорий таъмирланди. 2018 йилда эса вилоятда 100 та давлат ва хусусий мактабгача таълим муассасаси очилиб, болаларни боғчаларга камраб олиш 33 фоизга етказилди. [8] Бу йўналишда ишлар ҳали давом этмоқда.

2018 йил 1 январ ҳолатига вилоятда мактабгача таълим муассасалари сони 253 тани ташкил этиб, шундан 107 таси шаҳар, 146 таси қишлоқ жойларда жойлашган. Уларда тарбияланаётган 33502 нафар болалардан 51, 2 фоизини ўғил болалар, 48, 8 фоизини қизлар ташкил этади. [8]

Хоразм вилоятида 1990-2017 йилларда мактабгача таълим муассасалари кўрсаткичлари. [13]

Вилоят, шаҳар ва туманлар	990	991	992	993	994	995	996	997	998	999	000	001	002	003
Хоразм в.	456	476	458	406	401	410	440	427	409	391	360	345	366	374
Урганч ш.	49	49	49	49	49	49	48	48	47	46	40	39	39	39
Хива ш.	18	20	21	20	21	21	21	21	19	20	20			
Питнак ш.	7	8	11	10	10	9	12	13	13	13	7			
Боғот	35	35	33	24	29	28	31	30	28	27	23	22	24	26
Гурлан	48	54	50	43	41	44	44	42	36	38	41	41	39	39
Қўшқўпир	42	47	47	50	49	46	51	50	49	46	38	41	42	43
Урганч т.	42	42	38	35	33	31	35	32	26	16	23	20	25	25
Ҳазорасп	32	32	23	10	10	14	15	12	11	10	16	20	23	21
Хонқа	41	40	41	47	43	52	51	49	48	45	38	36	42	46
Хива т.	29	32	33	35	34	29	30	28	31	31	32	51	50	50
Шовот	48	49	46	18	21	25	38	39	39	40	31	25	32	34
Янгиариқ	35	35	35	35	35	35	35	34	32	30	26	25	26	26
Янгибозор	30	33	31	30	26	27	29	29	30	29	25	25	24	25
Вилоят, шаҳар ва туманлар														
Хоразм в.	365	358	356	367	367	371	357	263	260	257	256	251	251	253



Урганч ш.	38	35	34	37	37	37	37	33	32	30	31	31	32	33
Хива ш.														13
Питнак ш.														
Боғот	26	26	26	26	26	27	26	20	20	20	20	20	20	20
Гурлан	36	36	36	38	38	37	38	30	30	30	30	30	30	30
Қўшқўпир	42	43	42	41	40	40	37	26	26	26	25	25	25	25
Урганч т.	25	26	24	28	28	29	29	25	24	23	22	21	21	22
Ҳазорасп	23	23	24	24	24	24	24	19	19	20	20	19	18	19
Хонқа	41	41	41	43	42	43	43	30	30	30	30	29	29	29
Хива т.	51	50	50	46	40	43	34	23	23	23	23	22	22	8
Шовот	31	27	28	33	40	40	40	25	24	23	23	23	23	23
Янгиариқ	26	25	25	25	25	24	22	15	15	15	15	15	15	15
Янгибозор	26	26	26	26	27	27	27	17	17	17	17	16	16	16

ХУЛОСА

Хоразм вилоятида мактабгача таълим муассасалари сони кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада 1990 йилдан то 2017 йилгача бўлган даврда афсуски камайиш кузатилади. Яъни, 1990 йилда вилоятда мактабгача таълим муассасалари сони 456 та бўлган бўлса, 2017 йилга келиб уларнинг сони 253 тага камайиб кетган. Бу ҳолат эса сўнгги йилларда республикамизда мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмаслигини кўрсатмоқда. [9]

2016-2017 йилларда мактабгача таълим муассасаларида мавжуд ўринлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ортиб бораётганлиги эса мактабгача таълим муассасаларига нисбатан талаб ошиб бораётганлигини ифода этади. Жумладан, 2016 йилда вилоят бўйича ҳар 100 та ўринга ўртача 61 нафар бола тўғри келган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 89 нафарга етди. [10]

REFERENCES

1. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги статистик тўплами. — Урганч: Хоразм вилоят статистика бошқармаси, 2006. – Б. 194.
2. Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари, 2006-2012 йиллар.
3. Хоразм вилояти статистика бошқармасининг 15 сентябрь 2018 йилдаги № 01/2-02-07/2-11652018 маълумотлари асосида тайёрланди.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг



- кундалик қондаси бўлиши керак. — Т.: Ўзбекистон, 2017. — Б. 45.
5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 19. 01. 2018 йил №01/2-01-19-84 сонли берган маълумоти асосида тайёрланди.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни март ва олийжаноб халқимиз билан кураимиз. — Тошкент: Ўзбекистон, 2017. — Б. 60; **Яна қаранг:** Хоразм вилоят статистика бошқармасининг 2018 йил 15 сентябрдаги № 01/2-02-07/2-1165 сонли маълумотномаси.
7. Хоразм вилояти статистика бошқармасининг 15 сентябрь 2018 йилдаги № 01/2-02-07/2-11652018 маълумотлари асосида тайёрланди.
8. Хоразм вилояти статистика бошқармасининг 15 сентябрь 2018 йилдаги № 01/2-02-07/2-11652018 маълумотлари асосида тайёрланди.
9. Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари, 1990-2017 йиллар.
10. Хоразм вилояти статистика бошқармаси Ижтимоий соҳа статистикаси бўлимининг 2018 йил маълумотлари. — Урганч, 2019 йил.
11. Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари, 1990-2017 йиллар.

